

Шифобахш зулуклар ёрдамида даволаш

т/х полковниги Хужманов У.М., т/х подполковниги Яхяев Ш.А.

ТТА хузуридаги Харбий тиббиёт факультети

Шарқ табобати қадимдан тан ва руҳни ҳамоҳанг даволашга қаратилган. Хусусан, беморда муолажа ўтказилаётганда ташқи таъсирлардан кўра, кўпрок ички омиллар — инсоннинг био қуввати ва ички имкониятларини қузгатишга, шу орқали дардни енгишига кумаклашилган. Аслида ҳам, руҳ соғлом ва тетик бўлса, хасталиклар танни четлаб ўтади.

Шифобахш зулуклар ёрдамида даволаш ҳам халқ орасида кенг тарқалган. Маълумотларга кўра, ундан заминимизда бир неча минг йиллардан бери фойдаланиб келинади.

Табиблар бу жонзотни минг дардга даво дея таърифлашади. Ҳақиқатан ҳам, бугун буни замонавий тиббиёт ҳам тан олмокда. Ўтказилган тадқиқотлардан маълумки, зулуклар ёрдамида кўплаб огир хасталикларни ҳам даволаш имконияти мавжуд. Фақат уни тўғри қўллаш, тананинг кайси қисмидан қон олиш лозимлигини билиш бунда муҳим аҳамият касб этади.

Олимлар зулукнинг сўлак безидан баъзи бир ўргимчак ва илонларнинг захрида учрайдиган гиолуринидаза ферментини топишган. Бу модда танадаги яра ва жаррохлик амалиёти асоратларини йуқотиш хусусиятига эга. Айни пайтда, турли косметик малҳамларни ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини мана шу модда билан бойитишмокда.

Мутахассисларнинг фикрича, зулук сўлагидан юздан ортиқ ферментлар мавжуд. Улар танада қон айланишини меъёрлаштириб, тўпланиб қолган ёғларни тарқатади, терини майин ва гўзал қилади, ортиқча вазндан халос этади. Шу сабабдан айримлар зулукни «нозик таъб кичик табиб» дейишади.

Шифобахш зулуклар хақида атрофлича маълумот олиш учун тадқиқотчилар ва мутахассисларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари ҳамда даврий нашрлардаги берган ахборот-маълумотларини кузатиб бориш ҳам

фойдадан холи булмайди.

Халқ табобати шифобахш зулуклар ёрдамида муолажа қилишда нималарга асосланади?

Зулукнинг хусусиятлари, уни қўллаш тартиби тўғрисида Абу Али ибн Сино ўз асарларида батафсил маълумот бериб кетган. Унинг мероси зулуклардан самарали фойдаланишда тадқиқотчилар ҳамда табибларга дастурил амал қўлланма булиб келмоқда. Хусусан, мутафаккир бобомиз уни қайси хасталикларда қўллаш мумкинлиги, оқибатлари, салбий таъсири, фойдали ва зарарли зулуклар ҳақида қимматли манбалар қолдирган.

Зулук ёрдамида муолажа, аввало, уни тўғри танлашдан бошланади. Чунки улар орасида табобатда қўллаш тавсия этилмайдиганлари ҳам мавжуд. Мисол учун, катта қора бошли, сурма рангли, устида зангори йули бор, тукли, буқаламун (тусланувчи) ва илон балиқсимон, қорни қизил, орқаси кук ранглиларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Улардан турли шиш ва яралар пайдо бўлиши, иситма чиқиши, қон кетиши, ҳушдан кетиш ҳамда бошқа салбий оқибатлар юзага келиши мумкин. Шунингдек, лойқа, ифлос сувлардан тутилган зулуклар ҳам акс таъсирларни келтириб чиқаради.

Ибн Сино қурбақа ва қурбақа ўтлар бор ҳамда оқар сувларда энг фойдали зулуклар бўлишини таъкидлайди. Шундай ерларда зарних, мош рангли, ёнида иккита чизиги бор, кўкимтир, сарғиш, ёнлари юмалоқ, кичик чигиртка рангли, сичқоннинг думига ўхшаш ингичка қуртлар учрайди. Мош ранглиси табобатда энг фойдали хисобланади.

Адабиётлар

1. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”
2. Абу Али ибн Сино. “Тиб қонунлари”
3. Ахмад Муҳаммад. “Унутилган табобат”